



Havaskorlar futbolini rivojlantirish markazi
Центр развития любительского футбола
Amateur football development center

O`zbekiston Respublikasi Prezidenti oldinga surgan muhim «Besh Tashabbus» dasturi doirasida, tashkilotimiz ilk bor ikkinchi va uchinchi tashabbuslarning integratsiya loyihasini amalga oshirmoqda. Sog'lom turmush tarzini tatbiq etgan holda, futbol turi bo'yicha jurnalistlar o`rtasida 17-18-noyabr kunlari "SPORTS.uz Cup" musobaqasi o`tkaziladi.

I.МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАР

1.1. Мини-футбол (футзал) бўйича журналистика корхоналари уртасида жамоалараро "Sports.uz Cup" (кейинги ўринларда «футзал» деб аталади) мусобақасини ўтказиш куйидаги мақсадларга йўналтирилган:

- "Ўзбекистонда соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш ва аҳолини жисмоний тарбия ва оммавий спортга жалб қилиш тўғрисида"ги қарорига асосан, аҳолининг турли қатлами, хусусан, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш тизимини йўлга қўйиш, ёш авлодни ёт иллатлардан асраш, маҳаллалардан тортиб, таълим муассасалари, корхона ва ташкилотларда жисмоний тарбия ва спортни оммавийлигини ошириш, унинг фаолиятини самарали ташкил этиш тизимини шакллантириш вазифаси белгилаб берилган;

- соҳа ходимлари ўртасида футзални ҳар томонлама тарғиб қилиш ва оммавийлаштиришга;

- жисмоний тарбия ва спортни соҳа ходимларининг соғлом ҳамда жисмонан бақувват бўлишлари учун кундалик эҳтиёжига айлантиришга;

- ходимлар ўртасида соғломлаштириш – профилактика ишларини кучайтиришга.

II. МУСОБАҚАЛАРНИ ЎТКАЗИШГА РАҲБАРЛИК ҚИЛИШ

2.1. Футзал мусобақасига тайёргарлик кўриш ва ўтказишга умумий раҳбарликни “Sports.uz” ва “Хаваскорлар футболни ривожлантириш маркази” МЧЖ (бундан буён матнда «ташкилий қўмита» деб юритилади) томонидан амалга оширилади.

2.2. Футзал бўйича мусобақаларни бевосита ўтказилиши Ташкилий қўмита томонидан тайинланган Бош ҳакамга юклатилади.

2.3. Ташкилий қўмитага айрим ҳолларда мазкур Низомга ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилади.

III. МУСОБАҚАЛАРНИ ЎТКАЗИШ ЖОЙИ ВА МУДДАТЛАРИ

3.1. Футзал бўйича мусобақа “Бунёдкор” спорт мажмуасида ўтказилади.

3.2. Футзал мусобақа жадвали ва ўйинлар тақвими www.afl-tashkent.uz платформасида жойлаштириб борилади.

IV. МУСОБАҚА ИШТИРОКЧИЛАРИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

4.1. Ўзбекистон Республикаси журналистика соҳаси тизимидаги корхона ходимларидан иборат булган жамоалар иштирок этадилар.

4.2. Жамоалар таркибига, шу корхонадаги иш жойи - асосий иш жойи бўлиши ва жорий йил 1 январига қадар ишга қабул қилинган бўлиши шарт;

4.3. Футзал бўйича ўтказиладиган жамоалараро мусобақада футбол бўйича Ўзбекистон биринчилигининг иккинчи, биринчи ва олий, лига жамоалари ҳамда футбол бўйича Ўзбекистон биринчилигининг биринчи ва олий лига жамоалари таркибида ўтган ва жорий йилда қайд этилган футболчилар иштирок этиши **ман этилади**.

V. МУСОБАҚАДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН БУЮРТМАЛАРНИ БЕРИШ ҚОИДАЛАРИ

5.1. Мусобақаларда иштирок этиш учун аризалар мусобақа Ташкилий қўмитаси раисига ёки унинг ўринбосарига иштирокчи жамоалар вакилларининг йиғилишида белгиланган муддатга қадар тақдим этилади. Аризада жамоа аъзоларининг фамилияси

исми-шарифи (тўлиқ), тўғилган йили, майдондаги жойлашуви, раками ва шу каби маълумотлар бўлиши шарт.

5.2. Ариза берилганда ҳар бир жамоа аъзосининг паспорти, меҳнат фаолиятини тўла акс эттирувчи меҳнат дафтарчасининг нусхаси, эгаллаб турган лавозимини тасдиқловчи маълумотнома, (3x4 ёки 6x9 ўлчамдаги икки дона рангли фото сурати жойлаштирилган) тақдим этилиши илтимос этилади.

5.3. Мусобақаларда иштирок этиш учун саралаш (худудий-минтақавий) мусобақалари арафасида 12 нафар ўйинчи ва 1 нафар мураббийдан иборат бўлган жамоага ариза топширилади.

5.4. Мусобақалар давомида мазкур аризада кўрсатилган ўйинчиларни таркибига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга рухсат берилмайди.

VI. МУСОБАҚАЛАРНИ ЎТКАЗИШ ШАРТЛАРИ

6.1. Ўйин икки бўлимдан (тайм) иборат бўлиб, ҳар бир ўйин бўлими **15 дақиқага** тенгдир. Ўйин бўлимлари орасидаги танафус 5 дақиқагача.

Ўйин давомида тўп майдондан чиқиб кетганида, қоида бузилиши ва бошқа шунга ўхшаш сабабларга кўра ўйин тўхтатилганида, **ўйин вақти тўхтатилмайди.**

Ўйин вақти фақат, жароҳат олган ўйинчига тиббий ёрдам кўрсатиш зарурати бўлганида, дарвозабон алмаштирилганида, тўпни алмаштириш зарурати пайдо бўлганида ва бошқа жиддий сабабларга кўра, майдондаги бош ҳакам талабига биноан тўхтатилиши мумкин.

6.2. Ўйин бошланишидан 30 дақиқа илгари ҳар бир жамоа вакили мусобақа ўтказиш баёнига, жамоа вакили томонидан 12 гача нафар ўйинчини (Ф.И.Ш) киритиб, ўйин баёнини имзоланади.

6.3. Учрашаётган жамоалар спорт кийимларининг ранги бир хил бўлган ҳолларда, ўйинлар жадвалида биринчи бўлиб қайд этилган жамоа (меҳмон), спорт кийимини бошқа рангга алмаштиради.

6.4. Ўйинчиларнинг спорт кийимига рақамлар туширилмаган бўлса, бу жамоа ўйинга қўйилмаслиги мумкин.

6.7. Жамоалар қуръа ташлаш йўли билан икки гуруҳга бўлинади. **Гуруҳларда 1 ва 2- ўринларни эгаллаган** жамоалар яримфинал босқичида иштирок этиш ҳуқуқини олади.

VII. ҒОЛИБЛАРНИ АНИҚЛАШ ТАРТИБИ

7.1. Гуруҳ босқичларида ҳар бир ғалаба учун 3 очко, дуранг учун 1 очко берилади, мағлубият учун очколар берилмайди. Плейофф ғалабагача давом этади.

7.2. Икки жамоанинг тўплаган очколари сони тенг бўлган ҳолда, устунлик қуйидаги тартибда аниқланади:

- улар ўртасидаги ўйин ғолиби;
- ўзаро ўйинда урилган ва ўтказиб юборилган тўп (гол)ларнинг нисбати;
- умумий урилган ва ўтказиб юборилган тўп (гол)ларнинг нисбати;
- кўпроқ ғалабага эришган жамоа;
- жамоа аъзоларининг олган сариқ ва қизил карточкаларининг энг кам миқдорига кўра (сариқ карточка – 1 очко, қизил карточка – 3 очко).

Бу кўрсаткичлар ҳам тенг бўлган ҳолда устунлик қуръа ташлаш йўли билан аниқланади.

7.3. Уч ва ундан кўп жамоаларда тўпланган очколар тенг бўлган ҳолда:

- ўзаро ўйинларда киритилган ва ўтказиб юборилган тўплар (голлар) нисбати;
- энг кўп ғолибликка эришган жамоа;
- энг кўп тўп киритган жамоа;
- барча ўйинларда киритилган ва ўтказиб юборилган тўплар нисбатига кўра;
- жамоа аъзоларининг олган сариқ ва қизил карточкаларининг энг кам миқдорига кўра (сариқ карточка – 1 очко, қизил карточка – 3 очко);

- бу кўрсаткичлар ҳам тенг бўлган ҳолда устунлик куръа ташлаш йўли билан аниқланади.

VIII. ФИНАЛ ҲИЙИНЛАРИНИ ҲТКАЗИШ ТАРТИБИ

8.1. Ярим финал жуфтликлари қуйидаги тартибда ташкил топади:

- “А” Гурухининг биринчи поғонасидаги жамоа, “В” гурухида иккинчи поғонани забт этган жамоага қарши ўйнайди;

- “А” Гурухининг иккинчи поғонасидаги жамоа, “В” гурухида биринчи поғонани забт этган жамоага қарши ўйнайди;

8.2. Ярим финал ўйинларида ғолиб чиққан жамоалар, финал ўйинида биринчи ўрин учун, мағлубиятга учраган жамоалар эса учинчи ўрин учун баҳслашадилар.

8.7. Финал босқич ўйинлари дуранг натижа билан яқунланган ҳолларда, ғолиб ФИФА қоидаларига асосан 10 метрлик зарба (пенальти) орқали аниқланади. Қўшимча вақт берилмайди.

IX. МУСОБАҚА ҒОЛИБЛАРИНИ МУКОФОТЛАШ ТАРТИБИ

9.1. Биринчи ўринни эгаллаган жамоа – Кубок ва медаллар, биринчи даражали диплом ва эсдалик совғалар билан тақдирланади.

9.2. Иккинчи ўринни эгаллаган жамоа - Иккинчи даражали диплом, ва медаллар билан тақдирланадилар.

9.3. Учинчи ўринни эгаллаган жамоа - Учинчи даражали диплом, ва медаллар билан тақдирланадилар.

Бундан ташқари қуйидаги:

-«Энг яхши ўйинчи»;

-«Энг яхши мураббий»;

-«Энг яхши дарвозабон»;

-«моҳир тўпурар»;

маҳсус совринлар ҳам таъсис этилиши мумкин.

X. ЖАМОАНИ МУСОБАҚАДАН ЧЕТЛАШТИШ ТАРТИБИ

10.1. Жамоаларнинг аризасида мазкур Низомнинг IV - бобига зид равишда қайд этилган ўйинчи ёки буюртмада қайд этилмаган ўйинчи ўйинда иштирок этганлиги аниқланган ёки жамоа ўйинга келмаган ҳолларда, бу жамоага «техник мағлубияти» ёзилади.

10.2. Жамоа гуруҳлардаги ўйинлар давомида икки маротаба ўйинга келмаса мусобақалардан четлаштирилади ва шу жамоа билан бўлган ўйинларда жамланган очколар барча жамоалардан олиб ташланади.

10.3. Жамоа мураббийлари ёхуд жамоа ўйинчилари томонидан мусобақа қоидаларига зид, турли қўринишдаги футзал бўйича Регламентга номувофиқ хатти-ҳаракатлар, учрашувни ўз фойдаларига ҳал қилиш учун ҳакамларга, рақиб жамоаларга тайзиқлар ўтказиш ва бошқа номувофиқ ҳуқуқбузарликларга йўл қўйганликлари аниқланган тақдирда ушбу жамоа кейинги бир йил муддатга мусобақалардан четлаштирилади.

10.4. Жамоа ўйин бошланиш вақтидан **10 дақиқадан ортиқ** муддатга кеч қолганида, у ўйинга узрли сабабларсиз келмаган деб ҳисобланади.

XI. ҚОИДАБУЗАРЛИК УЧУН ЖАЗО ЧОРАЛАРИ ҚўЛЛАШ ТАРТИБИ

11.1. Футзал бўйича жамоалар ўйинчилари, мусобақа давомида ўйин қоидаларини бузганлик, такроран бузганлик ёхуд ўта қўпол равишда бузганлиги учун қўйидаги интизомий жазо чоралари қўлланилади;

- ўйинчига ҳакам томонидан қизил карточка қўрсатилиб ўйин давомида ўйиндан четлатилса, бу ўйинчи навбатдаги ўйинда қатнашиш ҳуқуқидан маҳрум этилади;

- мусобақалар давомида ўйинчи икки марта сариқ карточка олса, бу ўйинчи навбатдаги ўйинда қатнашиш ҳуқуқидан маҳрум этилади;

- мусобақалар давомида ўйинчи иккинчи маротаба қизил карточка олса, бу ўйинчи мусобақалардан четлатилади;

11.2. Ўйиндан олдин, ўйин давомида ёки ўйиндан сўнг жамоа аъзоси ёки бир неча аъзоларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари натижасида тартибсизлик келиб чиқса, шунингдек томошабинлар, ташкилотчилар, ҳакамлар, жамоа вакиллари ёки бошқа хизмат

кўрсатувчи ходимлар ҳақоратланса – бу тартиббузарликда айбдор деб топилган жамоа мусобақалардан четлатилади, мусобақаларда иштирок этиш учун тўланган маблағлари қайтарилмайди ва ҳуқуқбузарларга нисбатан Ташкилий қўмита томонидан тегишли чоралар кўрилади.

XII. МУСОБАҚА ИШТИРОКЧИЛАРИНИНГ ЭЪТИРОЗЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ

12.1. Эътироз билдирувчи жамоа вакили (мураббий) ўйин олдидан ўз эътирозини, баҳсли-мунозарали масалалар юзасидан қисқа мазмунини қайд этиши мумкин ва илова тариқасида эътирозни тасдиқловчи далиллар, маълумотлар ва бошқа ҳужжатларни тақдим қилиши мумкин.

12.2. Жамоа вакили (мураббий) томонидан берилган эътирознома (протест) мусобақа Бош ҳаками ва мусобақаларни мувофиқлаштирувчи Ташкилий қўмита вакили томонидан ўйин протоколига киритилган ҳолда кўриб чиқилади.

12.3. Эътироз билдириш тартиби бузилган ҳолларда, эътироз кўриб чиқиш учун қабул қилинмайди.

XIII. ЖАМОАЛАРНИНГ СПОРТ КИЙИМЛАРИ ХАҚИДА

13.1. Мусобақаларда иштирок этувчи ўйинчиларни камида икки спорт кийими (икки хил рангда бўлган футбол майкаси, шорт ва футзал қоидаларида белгиланган юмшоқ оёқ кийими ва экипировкалари билан таъминланган бўлиши;

- футбол майкаларида ўйин протоколида кўрсатилган рақами ёзилиши;

- шорти олдининг ўнг томонида, баландлиги 10-15 сантиметр ўлчамида футбол майкасидаги рақамга мувофиқ бўлган рақам ёзилиши;

- футбол майкасининг кўкрагининг ўнг ёки чап томонида, ўз корхонасининг рамзи ёки белгиси туширилган бўлиши мумкин;